

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1372-ҳадис

1372/3335 - عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا تُقْتَلُ نَفْسٌ طُلْمًا إِلَّا كَانَ عَلَى ابْنِ آدَمَ الْأَوَّلُ كِفْلٌ مِنْ دَمِهَا، لِأَنَّهُ أَوَّلُ مَنْ سَنَ القَتْلَ.

1372.3335. Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бирор жон зулм билан ўлдирилар экан, Одамнинг биринчи ўғлига*** унинг қонидан улуш бўлади, чунки у қотилликни жорий қилган биринчи кишидир», дедилар».

* «Одамнинг биринчи ўғли» дейилганда Одам алайхиссаломнинг тўнғич ўғли назарда тутилади. У ўз инисига ҳасад қилиб, уни ўлдирган. Манбаларда унинг исми Қобил, укасининг исми Ҳобил бўлгани айтилади. У бу ишни, яъни қотилликни инсоният тарихида биринчи бўлиб бошлаб берган. Шунинг учун Қобил мазкур ишни қилган ҳар бир кишига шерик саналади ва унинг гуноҳига шерик бўлади.

Манба: hadis.islom.uz

